

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НУРМАТОВ ВАХИД ХАЛМАТОВИЧ

**МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ОРАСИДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИНГ
ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАСНИФИ ВА ПРОФИЛАКТИК
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 616.98:578.828.6-054.72-036.22-084

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нурматов Вахид Халматович

Меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциясининг

эпидемиологик таснифи ва унинг профилактик

тадбирларини такомиллаштириш..... 3

Нурматов Вахид Халматович

Эпидемиологическая характеристика ВИЧ-инфекции

среди трудовых мигрантов и совершенствование

мер её профилактики..... 25

Nurmatov Vakhid Khalmatovich

Epidemiological characteristics of HIV-infection

among migrant workers and improvement

of its prevention measures..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НУРМАТОВ ВАХИД ХАЛМАТОВИЧ

**МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ОРАСИДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИНГ
ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАСНИФИ ВА ПРОФИЛАКТИК
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib997 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Қаҳрамон Халдарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Атабеков Нурмат Сатиниязович
тиббиёт фанлари доктори

Қосимов Одилжон Шодиевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Вирусология илмий-текшириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил « ____ » _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббий академияси 1-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ -рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14, e-mail: tta2005@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил « ____ » _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда миграция муаммоси–энг долзарб муаммолардан биридир. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра, «...жаҳон ҳамжамиятининг интеграциялашуви баробарида миграция жараёнлари ҳам глобаллашди. Айниқса, ташқи миграция турли минтақа ва мамлакатларни ўз доирасида қамраб олмақда. Миграция жараёнида ижтимоий назорат кучсизланади ҳамда хулқ-атвор стереотипларини ўзгаришига олиб келади. Натижада кўпгина мигрантлар хавф гуруҳига тушади, уларда тасодифий алоқалар сони ошади, шу билан бир қаторда мигрантларни тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти камаяди. Буларнинг барчаси, меҳнат мигрантлари орасида жинсий йўл билан юкувчи инфекциялар (ЖЙЮИ), жумладан ОИВ/ОИТС билан касалланиш даражасини ошишига олиб келади...»¹. Жаҳонда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики «... 2019 йилда халқаро мигрантлар сони 272 миллионни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 14 миллионга кўтарилган, умумий мигрантларнинг 48% аёллар, ўртача 38 миллионини – болалар, 4,4 миллионини – халқаро талабалар ва 164 миллионини – меҳнат мигрантлари ташкил қилган...»². Меҳнат миграцияси аҳолининг турли хил гуруҳларига ёш, гендер ва ижтимоий келиб чиқишига тегишли бўлиб, миграциянинг аниқ масштабларини баҳолаш жуда мураккабдир.

Жаҳонда меҳнат мигрантлари орасида ОИВ инфекциясининг эпидемиологик таснифи ва унинг профилактик тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мигрантларнинг ижтимоий-демографик тузилишини илмий асослаш ва меҳнат мигрантларининг хусусиятларини ички ва ташқи мигрантлар тоифаларига ажратган ҳолда қиёсий баҳолашни такомиллаштиришдан иборат. ОИВ юқиш хавфини белгиловчи хулқ-атвор ва хавф омиллари моделини асослаш ҳамда ОИВ-инфекциясининг юқиш йўллари ҳамда профилактик чора-тадбирлари тўғрисидаги билимлар даражасини ошириш тартибини ишлаб чиқишдан иборат. ОИВ-инфекцияси профилактик дастурлар билан қамраб олинишини хизмат, жинсий йўл билан юкувчи инфекцияларни даволаш, ихтиёрий синамадан ўтиш ва маслаҳат бериш ҳамда ушбу гуруҳлар орасида профилактик чора-тадбирларни ўтказиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва

¹ ECDC (2017). HIV and migrants. Monitoring implementation of the Dublin Declaration on Partnership to Fight HIV/AIDS in Europe and Central Asia: 2017 progress report. Stockholm, European Centre for Disease Prevention and Control, 2017.

² ЖССТнинг 2019 йилги ҳисоблари

даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар меҳнат мигрантлари орасида турли юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 25 январдаги ПҚ 3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунё миқёсида аҳоли сонининг кескин ошиши уларнинг турли давлатларга қонуний ва ноқонуний миграцияси юзага келиши шароит туғдиради. Сиёсатчилар фикрича, миграцияни бошқариш мураккаб, олимларининг фикрича эса, уни ўрганишга ягона ёндошув мавжуд эмас (Living., 2008; Beyrer et al. 2017). Санкт-Петербургда ўтказилган тадқиқотда, мигрантларнинг 30% сўнгги уч ой давомида жинсий шериги бўлган бир нечта аёлларни санаб беришган, бунда презервативдан фойдаланиш даражаси паст бўлган: 35% доимийдан то 52% тасодифий шериклар билан жинсий алоқада бўлган (Amirkhanian et al., 2011). Тадқиқот давомида маълум бўлдики, Ўрта Осиёдан келган мигрантлар ОИВ/ОИТС тўғрисидаги билимлари ўта пастлиги, депрессия даражаси юқорилиги ҳамда ижтимоий ҳимоя даражаси пастлиги, жинсий хавф ўртача даражадалиги билан ажралиб туришган. ОИВ инфекцияси эпидемиясининг ривожланишида аҳолининг миграция жараёнларининг аҳамияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. 2018 йил давомида 489261 нафар шахс миграцияга чиқиб

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

фаолият юритганлиги маълум бўлди. Жами миграцияга чиққан шахсларнинг 381000 нафари яъни 77,8% ОИВ инфекциясига текширувдан ўтказилган. 2017 йилда 588 нафар мигрантда ОИВ-инфекцияси аниқланган бўлиб, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 7,4% ортган ҳамда 632 нафарни ташкил қилган. ОИВ-инфекция эпидемиясининг эрта босқичларида кўпгина давлатлар аҳолини мажбурий тестдан ўтказиш ҳамда касалликнинг янги ҳолатларини рўйхатга олишга асосланган эпидемиологик назоратнинг анъанавий усулини асос қилиб олдилар (Гришина Ю.Ю., 2014). Кейинги тадқиқотлар эса, ОИВ-инфекциясида инфекция жараянининг мураккаблиги ва хилма-хил эканлиги ҳамда инсон хулқ-атворида боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шунга кўра, олимлар текширувни тўлиқ ва сифатли бўлиши учун биологик ва хулқ-атвор скринингидан иборат бўлган дозорли эпидемиологик назоратни (ДЭН) тадбиқ этди. ОИВ-инфекциясининг дозорли эпидемиологик назорати – аҳолининг танлаб олинган гуруҳлари (ушбу ҳолатда, аҳолининг зарарланиш хавфи юқори бўлган гуруҳлари) орасида ОИВ-инфекциясини тарқалиш тенденцияси тўғрисидаги маълумотларни тизимли равишда тўплашдан иборат.

Ўзбекистонда қатор юқумли касалликларнинг профилактикаси борасида олимлари илмий ишлар олиб боришган (О.М.Миртазаев 2010, 2015, 2020, Н.С.Атабеков, 2016, 2017, К.Х.Юлдашев, 2015, 2018, 2019), ОИВ инфекцияси – демографик ва хулқ-атвор маълумотларини эътиборга олган ҳолда маъмурий ҳудудларда аҳолининг дозорли гуруҳларида ОИВ-инфекциясини тарқалиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни тўплашган (Аббасова Д.М., 2009; Турсунов Р.А., 2016), бироқ, меҳнат мигрантлари орасида ОИВ инфекциясининг эпидемиологик таснифи ва унинг профилактик тадбирларини такомиллаштириш борасида илмий ишлар бажарилмаган.

Илмий адабиётларининг таҳлилидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда меҳнат мигрантлари ўртасида ОИВ-инфекциясини тарқалиш тенденцияси тўғрисидаги маълумотлар тизимли тўпланмаган, меҳнат мигрантларининг демографик ва ижтимоий хусусиятлари ўрганилмаган, меҳнат мигрантлари ўртасида ОИВ-инфекциясини тарқалишига олиб келувчи омиллар аниқланмаган, меҳнат мигрантлари ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида ОИВ-инфекциясини тарқалишини олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар ўрнини ойдинлаштириш масалалари долзарблигича қолмоқда. Юқорида баён этилган омиллар Ўзбекистонда тегишли стратегияни ишлаб чиқиш учун меҳнат мигрантларининг демографик ва ижтимоий хусусиятларини ўрганишга асосланган ҳолда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ОИВ-инфекциясини тарқалишини олдини олишнинг самарадор моделларини қиёсий аниқлаш ва профилактик тадбирларни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилиши зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 02090010

рақамли «Юқумли, гигиеник, техноген ва экологик омилларининг аҳоли соғлигига таъсири» (2014-2018 йй.) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик тавсифи ҳамда профилактик чоратadbирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида меҳнат мигрантларининг ижтимоий-демографик таркибини баҳолаш;

меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекцияси эпидемик жараёни динамикасини ва унинг ривожланишини белгиловчи хавф омилларини ўрганиш;

мигрантларнинг ОИВ-инфекцияси профилактик дастурлари билан камраб олиниш кўламини ва бохабарлик даражасини баҳолаш;

мигрантлар орасида ОИВ-инфекцияси профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг 14 та худуди, 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшовчи ҳамда сўнгги 3-5 йил мобайнида яшаш жойидан ёки Ўзбекистон Республикасидан вақтинчалик ишга чиққан 2800 нафар 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркак ва аёл меҳнат мигрантлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида меҳнат мигрантлари билан ўтказилган сўровнома натижалари, лаборатория текшируви учун меҳнат мигрантларидан олинган қон зардоби натижасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, ижтимоий, серологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача меҳнат миграцияси, миграция жараёнининг устувор ҳаракатлантирувчи омилларидан бири эканлиги исботланган;

илк бор меҳнат мигрантлари орасида жинсий алоқа орқали юқувчи инфекцияларнинг тарқалиш ва юқишининг абсолют хавфи миграция билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор Ўзбекистонда тадқиқ этилаётган мигрантлар орасида миграция омили одамнинг имунитет танқислиги вируси эпидемик жараёнини фаоллаштирувчи етакчи омиллардан бири эканлиги исботланган;

одамнинг имунитет танқислиги вирусини мигрантлар орасида юқишида тиббий муассасадан ташқарида вена ичига инъекция қабули, химояланмаган жинсий алоқалар, инъекцион гиёҳванд моддалар қабули, рағбатлантириш эвазига интим хизмат кўрсатувчилар билан жинсий алоқа каби хавф омиллари аҳамиятли эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари орасида ОИВ-инфекцияси тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган моделдан иборат тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда самарадорлиги баҳоланган;

касалликни тезкор ташхис этишга, мулоқотдан олдинги ва кейинги стратегияни йўлга қўйишга асосланган ОИВ-инфекциясини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

мигрантлар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ОИВ-инфекцияси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиши, юқиш йўллари билиши ва соғлом турмуш тарзини танлаши ва белгиланган профилактик тадбирларга риоя этишини баҳолашга қаратилган мезонлар ишлаб чиқилган;

демографик ва ижтимоий омилларни инобатга олган ҳолда мигрантлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида ОИВ инфекциясига нисбатан лаборатория текширувларини ташкиллаштиришнинг алгоритми ишлаб чиқилган;

дозорли эпидемиологик назорат маълумотлари асосида мигрантлар ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қўмаклашувчи хавф омилларини баҳолаш ҳамда қисқа ва узоқ муддатли прогнозлаш имконини берувчи тавсиялар тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли ҳажмдаги материаллар танланганлиги, бир-бирини тўлдирувчи замонавий эпидемиологик, серологик, социологик ва статистик усулларни қўллаш асосида меҳнат мигрантлари орасидаги ОИВ инфекциясининг эпидемиологик тавсифи ва тавсия этилаётган профилактик тадбирлар мажмуасининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг республика ва халқаро анжуманларида тақдим этилиб муҳокамага қўйилганлиги, нуфузли нашрларда чоп этилганлиги, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги хулосаларнинг асосланганлигини ва тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аҳоли бандлигининг паст кўрсаткичлари миграция жараёнини ҳаракатлантирувчи устувор жиҳатлардан бири эканлиги, мигрантларнинг ижтимоий-демографик таркиби, тиббий-профилактик дастурлар билан қамраб олиниши ва бохабарлик даражаси, меҳнат мигрантларининг ОИВ инфекциясига нисбатан заиф ҳимояланганлиги ва хавф гуруҳига мансублиги, миграция омили Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси эпидемик жараёнини фаоллаштирувчи етакчи омиллардан бири эканлиги, мигрантлар ўртасида мазкур инфекциянинг эпидемиологик хусусиятлари ҳамда уларни белгиловчи омиллар очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари орасида ОИВ инфекциясининг профилактикасига, дозорли эпидемиологик назорати, башоратлаш ва эрта аниқлашга қаратилган қатор тавсиялар ишлаб чиқилиб соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилганлиги, тақдим этилаётган тиббий-ижтимоий хизмат сифати ва самарадорлигининг оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ОИВ-инфекциясининг меҳнат мигрантлари орасидаги эпидемиологик хусусиятларини баҳолаш ва профилактик тадбирларни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Меҳнат мигрантлари орасида ОИВ инфекцияси олдини олиш чора тадбирлари алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 8н-з/152-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари орасида эпидемиологик назорат тизимини тўғри қўллаб ОИВ-инфекцияси тарқалишининг олдини олиш имконини берган;

меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик тавсифи ва унинг профилактик тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилояти ОИТС га қарши курашиш марказлари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 8н-з/152-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ташқи ва ички миграция жараёнларига жалб этилувчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари орасида ОИВ-инфекцияси тўғрисида тушунчага эга бўлиши, белгиланган профилактик тадбирларга риоя этиши, ихтиёрий равишда лаборатория текширувидан ўтиши таъминланганлиги ҳамда ушбу касалликни тарқалишини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекция эпидемиологиясининг замонавий таснифи**» деб номланган биринчи бобида халқаро ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда ўтказилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилган, турли хил минтақаларда ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик тавсифи, меҳнат мигрантлари муаммолари, ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик назорат усуллари очиб берилган ҳамда бажарилмай қолган вазифалари ҳам кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциянинг эпидемиологик баҳолаш ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи боби тадқиқот материал ва усулларига бағишланган. Текширишларда 2008-2017 йиллар орлиғида доимий яшаш жойидан охириги 5 йил ичида иш кидириб ташқарига чиққан 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган меҳнат мигрантлари орасида ўтказилган дозорли эпидемиологик назорат тадқиқот натижалари ва расмий маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот иши Республика ОИТСга қарши кураш марказида бажарилган. Танланма дизайни - Кросс – секцион тадқиқот бўлиб, кўп босқичли кластер (маҳалла комитети томонидан берилган рўйхат асосида) усулидан фойдаланилди. Ҳар бир кластерда респондентларни (меҳнат мигрантларини) танлашда оддий рандомизация усулидан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида битта кишидан бир вақтнинг ўзида биоматериал олиш ва қайта текшириш ёки сўровнома ўтказишга йўл қўйилмади.


Сўровнома махсус ишлаб чиқилган стандарт анкета ёрдамида ўтказилди. Сўровнома ўз ичига қуйидагиларни олди: жинсий хулқи, инъекцион амалиёти, ЖЙЮИ симптомлари ҳамда ушбу симптомлар аниқланган ҳолатларда уларнинг фаолияти, профилактик тадбирларда иштироки, ОИВ/ОИТС тўғрисида билим даражаси ва ҳ.к.лар.

Юқорида келтирилган мезонларга мос келган 2800 нафар киши тадқиқот ишига киритилди. Ҳар бир мигрантдан аноним равишда махсус код остида, синамадан олдинги ва кейинги консультацияни ўтказган ҳолда, респондентнинг розилиги остида филтрланган қоғозга капилляр қон томчиси олинди ва ОИВ, С гепатит ҳамда сифилисга текширув ўтказилди.

Диссертациянинг «**Меҳнат мигрантлари ўртасида ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда меҳнат мигрантлари орасида ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик тавсифини ўрганиш мақсадида ўтказилган ретроспектив ва проспектив эпидемиологик тадқиқот натижаларининг таҳлили ёритилган.

Ушбу боб учта бўлимдан иборат: биринчи бўлимда «Меҳнат мигрантларининг ижтимоий-демографик тузилишини» ўрганишга бағишланган бўлиб, унда ЎзР ОИТС га қарши кураш марказининг меҳнат мигрантлари бўйича маълумотларининг таҳлили ўтказилди. Маълум бўлишича, йиллар кесимида мигрантлар сони деярли ўзгармаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг деярли барча вилоятларидан бўлган, аммо, сўнгги йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари фуқаролари мамлакатдан ташқарига кам чиқишган.


Меҳнат мигрантларининг (ММ) ўртача ёши $33,5 \pm 0,9$ ташкил қилиб, 20 ёшгача бўлганлар сони статистик ишонарсиз бўлган ($P < 0,005$) (1-расмга қаранг).



1-расм. Меҳнат мигрантларини ёш бўйича тақсимланиши (ДЭН 2009, 2011, 2013, 2015 ва 2017 й.) (%)

Кузатувдаги меҳнат мигрантлари жинс бўйича йиллар кесимида таҳлил этилганида, эркеклар сони (68,9%) аёллардан (31,1%) устунлиги аниқланди ($P < 0,05$). 2017 йилда аёллар сонини бошқа йилларга нисбатан 0,9 баробарга камайганлиги аниқланди, аммо ушбу фарқ статистик ишонарли бўлмади ($P > 0,05$).

Ўзбекистонда турли-туман миллатлар яшайди, меҳнат мигрантлари миллат бўйича тақсимланганида уларнинг катта қисмини ўзбеклар (78,7%) ташкил қилди (2009 й – 84,0%; 2011 й – 77,2%; 2013 й - 79,6; 2015 й – 82%; 2017 й – 65,3%). Кузатув гуруҳида шу жумладан корейс, қозоқ, татар, рус, қирғиз миллатлари бўлган (2-расмга қаранг).




2-расм. Меҳнат мигрантларининг миллати бўйича тақсимланиши (ДЭН 2009, 2011, 2013, 2015 ва 2017 й.), (%)

2-расмда кўриниб турибдики, 2017 йилгача қорақалпоқ миллати орасида меҳнат мигрантлари кузатилмаган, 2017 йилда эса 5,1% ташкил қилган.

2017 йилда тожик миллати орасида меҳнат мигрантлари сонини ҳам аввалги йилларга нисбатан 2,5 баробарга ошганлиги кўриниб турибди ва бу фарқ статистик ишонарли даражада ($P < 0,05\%$).

Худди шундай ҳолат рус миллатига ҳам хос бўлиб, 2017 йилда рус миллатидаги меҳнат мигрантлари сони аввалги йилларга нисбатан 1,8 баробарга ошган.

Корейс миллатида эса аксинча, 2009 йилда корейслар орасида меҳнат мигрантлари сони 2,7% ташкил қилган бўлса, йиллар давомида аста-секин камайиб, 2017 йилга келиб 0 даражасига етган. Меҳнат мигрантларининг катта қисмини (76,3%) ўрта таълимга эга ўқишни давом эттирмаган, ҳеч жойда ишламайдиган (56,9%) кишилар ташкил қилган. Шу билан бир қаторда, меҳнат мигрантлари ўртасида ишлайдиганлар сони ҳам юқори, 2009 йилда улар 24,8% ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 42,4% гача кўтарилган ҳамда ишламайдиганлар даражасини ташкил қилган (3-расмга қаранг).



3-расм. Меҳнат мигрантларининг машғул ишлари бўйича тақсимланиши (ДЭН 2009, 2011, 2013, 2015 ва 2017 й.) (%)

Меҳнат мигрантларининг фарзандлари сони бўйича таҳлил этилганида маълум бўлдики, мамлакатдан ташқарига асосан фарзандлари бўлмаган (24,9%) ёки битта (27,0%) иккита (30,7%) фарзанди борлари, учтадан ортиқ фарзандлари бўлганлар сони камчиликни ташкил қилган.

«Меҳнат мигрантларининг хусусиятларини ички ва ташқи мигрантлар тоифаларига ажратган ҳолда қиёсий ўрганиш»га бағишланган бўлимда кузатувдаги 2800 нафар ММ асосан Россиянинг турли хил ҳудудларига иш кидириб чиқишган ($75,2 \pm 2,0\%$) (1-жавдвалга қаранг).

1-жадвал

Меҳнат мигрантларини иш қидириб боришган давлатлари (2009-2017 йиллар кесимида (%))


Йил	2009		2011		2013		2015		2017	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Россия	282	88,1	447	72,1	446	71,9	445	71,7	447	72,1
Қирғизстон			100	16,1	14	2,3	8	1,3	7	1,1
Қозоғистон	38	11,9	16	2,6	103	16,6	98	15,8	112	18,1
Корея			19	3,1	17	2,7	12	1,9	14	2,3
Тошкент			26	4,2	27	4,4	29	4,7	10	1,6
Бошқа вилоятлар			10	1,6	8	1,3	14	2,3	4	0,6
Бошқалар			1	0,3	5	0,8	14	2,3	26	4,2

Миграция статуси ўрганилганида, уларнинг катта қисми ($66,0 \pm 3,8\%$) норасмий равишда мамлакатдан ташқарига чиқишган. Йиллар кесимида кўрилганда, фақатгина 2015 йилда уларнинг сони $21,8\%$ камайган, аммо бошқа йилларда норасмий мамлакатдан ташқарига чиқишлар сони деярли бир хил бўлган. Миграция хусусиятларидан яна бири миграция даври бўлиб, ММ $53,6 \pm 1,0\%$ миграцияда 1 йил давомида, $43,5 \pm 1,03\%$ 1-3 йилгача, $4,6 \pm 1,0\%$ ҳолатларда 3 йилдан ортиқ бўлган. ММ охириги 5 йил ичида яшаш жойларидан ташқарига чиқишлар сони тахлил этилганида, мигрантларнинг $30,6 \pm 1,4\%$ охириги 5 йил ичида 2 мартаба ташқарига чиқишган, $33,0 \pm 1,2\%$ 1 мартаба ҳамда $19,0 \pm 1,3\%$ 3 мартаба чиқишган.

Меҳнат мигрантлари яшаш жойидан Республиканинг бошқа шахрига ёки Республикадан ташқарига чиқишига кўра, ички ва ташқи мигрантларга ажратилди. Қуйида ОИТСга қарши кураш марказининг меҳнат мигрантлари бўйича маълумотлари тахлили йиллар кесимида келтирилган. Барча мигрантларнинг ўртача $1,44\%$ ички мигрантлар ташкил қилади (4-расмга қаранг).

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз, меҳнат мигрантларини миграция даврида жинсий йўл билан юқувчи инфекцияларни юқиш эҳтимолини оширувчи ҳолатларини миграция турига боғлиқ равишда ўргандик. Биз томондан ишлаб чиқилган сўровнома саволларидан бир нечтаси миграция давридаги жинсий алоқага бағишланган бўлиб, ушбу саволларга берган жавоблари тахлиliga кўра, ташқи ($40,4 \pm 3,2\%$) ва ички ($72,8 \pm 2,1\%$) миграция даврида жинсий алоқада бўлган ММ сони ўртасидаги фарқ статистик ишонарли даражада бўлди ($P > 0,001$). Ушбу кўрсаткич қиймати йиллар кесимида тахлил этилганида, 2009 йилда ташқи ва ички миграция ўртасидаги фарқ унча катта бўлмади (мувофиқ равишда $64,6 \pm 3,3\%$ ва $79,2 \pm 2,8\%$), кейинги йилларда эса ташқи миграцияда жинсий алоқада бўлган мигрантлар сони камайиб борди ва $22,7\%$ га етди. 2013 йилда ташқи ва ички миграциядаги жинсий алоқада бўлган мигрантлар сони ўртасидаги фарқ статистик ишонарли даражада бўлди ($P < 0,001$), 2015

йилдан бошлаб эса яна аста-секин кўтарилиб борди ҳамда 2017 йилга келиб 40,0% гача кўтарилди.



4-расм Миграция даврида жинсий алоқада бўлган мигрантларнинг миграция турига боғлиқ равишда қиёсий тахлили. (ДЭН 2009, 2011, 2013, 2015 ва 2017) (%)

Меҳнат мигрантлари ўртасида охириги 12 ой ичида жинсий алоқада бўлган шерикларининг сони миграция турига боғлиқ равишда тахлил этилганида маълум бўлдики, ички мигрантларнинг охириги 12 ой ичидаги жинсий шерикларининг ўртача сони $1,2 \pm 0,27$ тани ташкил қилди ҳамда йиллар кесимида ўзаро статистик ишонарли фарқ кузатилмади ($P > 0,05$). Ташқи миграцияда эса ушбу кўрсаткич қиймати $1,71 \pm 0,4$ та бўлди, 2011 ҳамда 2017 йилларда ушбу қиймат бошқа йилларга нисбатан юқори бўлди, аммо ушбу фарқ статистик ишонарли бўлмади ($P < 0,05$). Ташқи ва ички миграцияда жинсий алоқаларнинг сони бўйича фарқ статистик ишонарли бўлмади ($P > 0,05$).


Ташқи ва ички миграцияда охириги 12 ой давомида жинсий шерикларнинг ўртача сони тахлил этилганида, ташқи миграцияда жинсий шериклар сони йиллар кесимида ички миграцияга нисбатан юқори бўлди, фақатгина 2011 йилда ушбу фарқ статистик ишонарли бўлди ($P < 0,05$).

Жинсий алоқадаги жинсий шериклар тури тахлил этилганида, миграциянинг туридан қатъий назар мигрантлар доимий ёки доимий бўлмаган жинсий шериклар билан жинсий алоқада бўлишган, шу билан бир қаторда пул эвазига хизмат кўрсатувчи тижоратдаги шерик хизматидан ҳам фойдаланиб турганлар.

Ташқи миграциядаги мигрантларнинг ўртача $20,6 \pm 1,5\%$ ҳамда ички мигрантларнинг $8,3 \pm 1,5\%$ тижоратдаги жинсий шериклар хизматидан фойдаланганлар ҳамда ушбу фарқ статистик жиҳатдан ишонарли бўлди ($P < 0,05$). Доимий бўлмаган жинсий шериклар билан жинсий алоқада бўлиш

ички ва ташқи мигрантлар ўртасида улуши йиллар кесимида деярли фарқ қилмади.

2011 йилда эса ички мигрантлар ўртасида доимий бўлмаган шериклар билан жинсий алоқада бўлиш даражаси деярли 2,5 баробар юқори бўлди (ички мигрантлар— $8\pm 1,3\%$, ташқи мигрантлар— $3,2\pm 0,98\%$), худди шундай ҳолат 2017 йилга ҳам хос бўлди, ташқи миграцияда доимий бўлмаган жинсий шериклар сони 2 баробар юқори бўлди (ички мигрантлар $6,0\pm 1,1\%$, ташқи мигрантларда— $12,0\pm 1,5\%$) ва бу фарқ статистик жиҳатдан ишонарли бўлди ($P<0,05$) (5-расмга қаранг).



5-расм. Миграция турига боғлиқ равишда жинсий шериклар турининг қиёсий таҳлили (ДЭН 2009, 2011, 2013, 2015 ва 2017), (%).

Биз томондан тузилган сўровномада мигрантлар орасида миграция даврида жинсий йўл билан юқувчи инфекцияларнинг учраш даражасини аниқлашга йўналтирилган саволлар мавжуд бўлди. Ушбу саволларга жавоблар таҳлилига кўра, ички миграциядаги мигрантларнинг $7,4\pm 0,9\%$ ҳамда ташқи миграциядаги мигрантларнинг $6,9\pm 0,7\%$ миграция даврида бир маротаба бўлса ҳам ЖЙЮИ клиник белгилари кузатилган, аммо уларнинг ўртасида фарқ статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади ($P>0.05$) ҳамда ички миграцияда уларнинг сони 2009 йилга нисбатан 2017 йилга келиб 1,5 баробарга, ташқи миграцияда эса 1,3 баробарга динамикада ошган.


Миграция туридан қатъий назар аёл мигрантлар ўртасида йиллар кесимида қиндан ажралма ажралиши, ташқи жинсий органларда яралар пайдо бўлиши, ҳайз циклига боғлиқ бўлмаган қорин пастидаги оғриқ каби ЖЙЮИ асосий клиник белгиларининг учраш даражаси кескин, эркак мигрантлар ўртасида эса жинсий органларда яра пайдо бўлиши, сийдик ажратишда оғриқ ва ачишиш ҳиси бўлиши, ёрғоқнинг шиши ва оғриши каби белгиларнинг учраш даражасини тўлқинсимон равишда ошиб борган.

ЖЙЮИ клиник белгилари кузатилган ички миграциядаги мигрантларнинг ўртача $18,8\pm 1,5\%$ шифокорга мурожаат этишган (тери-

венерик диспансер ёки хусусий шифокор). 2009 йилда шифокорга муурожаат этишлар сони кам бўлган бўлса, 2011 йилга келиб уларнинг сони ортган, аммо кейинги йилларда яна камайиб кетган.

Шифокорга муурожаат қилганлар орасида ўзининг таниш шифокорига муурожаат қилганлар сони ($29,2 \pm 2,4\%$) тери-таносил диспансерига ($11,48 \pm 2,2\%$) муурожаат қилганлар сонидан статистик ишонарли даражада юқори бўлди ($P < 0,05$). Мигрантларнинг ўртача $18,8 \pm 3,1\%$ ҳеч нарса қилишмаган. Шу билан бир қаторда, шикоятлари бўйича дўстларига муурожаат қилган ($3,8 \pm 1,1\%$) ҳамда ўзбошимчалик ($18,2 \pm 1,36\%$) билан ўзларини даволаганлар ҳам бўлган.


Ташқи мигрантлар бегона юртларда бўлишига қарамасдан мигрантларнинг $14,8 \pm 1,3\%$ ўз шикоятлари билан шифокорга муурожаат қилганлар ҳамда ички мигрантлардан бу кўрсаткич билан ўзаро фарқ қилмаганди ($P > 0,05$). Шифокорга муурожаат қилганларнинг ўртача $8,7 \pm 1,5\%$ тери-таносил диспансерига, $17,7 \pm 1,38\%$ хусусий шифокорга, $18,1 \pm 1,6\%$ ўзига таниш шифокорга муурожаат қилган. Ички мигрантлардан статистик ишонарсиз фарқ билан $20,2 \pm 1,4\%$ ташқи мигрантлар ЖЙЮИ асосий белгилари пайдо бўлишига қарамасдан ҳеч нима қилишмаган ($P < 0,05$). Ички миграциядан ($18,2 \pm 1,36\%$) фарқли равишда ташқи мигрантлар орасида ўз-ўзларини даволаганлар сони юқори бўлди ($25,4 \pm 2,06\%$) ($P < 0,05$) (6-расмга қаранг).



6-расм. Ички ва ташқи миграцияда ЖЙЮИ клиник белгилари бўйича тиббий-ёрдамга муурожаат этган мигрантлар сони (%)

Диссертациянинг «ОИВ юқиш хавфини белгиловчи хулқ-атвор ва хавф омиллари моделини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида кузатувдаги 2800 нафар мигрантларда ОИВ, гепатит С ҳамда захмининг учраш даражасини йиллар кесимида тахлилини ўтказдик. Мигрантларнинг ўртача

0,76±0,35% ОИВ-инфекцияси аниқланган. Йиллар кесимида тахлил этилганида, 2017 йилга келиб ушбу қиймат 2009 йилга нисбатан 0,9% дан 1,3% га кўтарилган. Кузатувдаги мигрантларнинг ўртача 3,6±0,77% вирусли гепатит С га қарши антитаначалар аниқланган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилга келиб 2,1 баробарга камайган. Мигрантларнинг ўртача 1,4±0,6% заҳм ижобий бўлган ва бу қиймат 2011 ва 2015 йиллар оралиғида камайиб, 2017 йилга келиб яна кўтарилган (7-расмга қаранг).



7-расм. ОИВ-инфекцияси, заҳм ва ВГС ижобий бўлган мигрантлар сонининг йиллар давомида ўзгариши (%).

Мигрантлар орасида ОИВ-инфекциясини юқиш хавфини белгиловчи хулқ-атвор ва хавф омиллар аниқланганда, миграция туридан қатъий назар мигрантларнинг ўртача 50,0% миграция даврида спиртли ичимликларни исътемом қилишган (ташқи миграция – 49,2%, ички миграция - 59,9%). ММ сўзларидан ўртача 5,9% ММ миграциядан ташқари даврда наркотик моддаларни қабул қилган, 1,8% эса инъекцион наркотик моддаларни қабул қилган. Миграция даврида эса 0,9 % ММ инъекцион наркотик моддаларни қабул қилган. Сўровномадан ўтганларнинг 0,4 % миграция даврида наркотик моддалар қабул қилувчи шахслар билан жинсий алоқада бўлган.

Ташқи миграциядаги ММ 72,1% миграция даврида презервативдан фойдаланмаганлар. Ички миграцияда презервативдан фойдаланганлар сони икки баробар юқори бўлган ҳамда 45,8% ташкил қилган, яъни ички миграцияда презервативдан фойдаланганлар сони статистик ишонарли равишда юқори бўлди ($P>0,05$).

Миграция туридан қатъий назар ММ презервативдан фойдаланмаслик сабаблари ўрганилганида, сотиб олишга пул йўқлиги ёки жой йўқлигидан эмас, балки зарур деб билмаганликлари ёки хошиш бўлмаганлигини сабаб деб кўрсатганлар (ташқи миграцияда - 32,8%, ички миграцияда - 56,4%).

«Мехнат мигрантлари ўртасида ОИВ инфекциясини тарқалишини олдини олиш ишларини ташкиллаштириш» деб номланган бешинчи бобида

ММ ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ММ катта қисми (74,1%) ОИВ-инфекциясини кўл бериб кўришганда, идишлар орқали, бассейнда чўмилганда, ҳашоратлар орқали юқади деб жавоб беришган.

ММ ОИВ-инфекцияси тўғрисидаги маълумотларни асосан оммавий ахборот воситалари (89,1%) ҳамда тиббий ходимлардан (74,4%) ҳамда дўстларидан олишган (46,9%). Мактаб, коллеж ўқитувчилари, маҳалла, оналар улуши ўта кам бўлган (ўртача 14,4%).

Миграциядан қайтган даврда ички миграциядаги мигрантларнинг 45,2% ҳамда ташқи миграциядаги мигрантларнинг фақат 24,0% ОИВ-инфекциясига текширувдан ўтганлар. Ушбу кўрсаткич йиллар кесимида баҳоланилганида, миграция туридан қатъий назар 2017 йилга келиб 3,2% кўтарилган ҳамда 50,8% ташкил қилган (2015 йилда - 47,6%), шу билан бир қаторда 2017 йилга келиб ихтиёрий равишда назорат синамасидан (ИРНС) ўтган мигрантлар сони ҳам 13,3% кўтарилган. Миграция туридан қатъий назар 2017 йилда мигрантларнинг 44,7% ўз ихтиёрлари билан ОИВ-инфекцияси синамасидан ўтганлар, 2015 йилда – 32,8% ташкил қилган. ИРНС ўтганларнинг статистик ишонarli равишда катта қисмини ташқи миграциядаги мигрантлар ташкил қилган (70,0%), ушбу кўрсаткич ички миграцияда 15,0% ташкил қилган ($P < 0,001$).

Синамадан ўтишдан бош тортишлар сабаблари турлича бўлган, назорат қилиш хавфи (8,1%), атрофдагилар муносабатини ўзгариши (9,2%), хоҳиш йўқлиги (65,0%), синама топшириладиган жойни билмаслик (19,0%), улардан катта қисми хоҳиш йўқлиги бўлган.

